

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOSLTIKNI SAKLASH VAZIRLIGI

Руйхатга олинди:

№БД-3.25

2019 йил 15 04

Соглиқни сақлаш вазирлиги

107 - Соғлиқ бўйруғи

2019 йил 25 - Апрель



ЭПИДЕМИОЛОГИЯ

ФАНДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000 -	Гуманитар соҳа
	500000 -	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510 000-	Соғлиқни сақлаш
Таълим йуналиши:	5510300-	Гиббий профилактика визи

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил
"25" 04 даги "104" -сонли буйруғининг 1 -иловаси билан фан
дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил "15" 04 даги
"1" -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йуналишлари бўйича
Уқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда
маъқулланган. ОУМТВнинг 2018 йил "7" 12 даги 1000-сонли
буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Ўзгачилар:

Матназарова Г.С. – ТГА "эпидемиология" кафедраси муdiri, т.ф.д.

Сандикаева Н.С. – ТГА "эпидемиология" кафедраси катта
укитувчиси

Мустанов А.Ю. – ТГА "эпидемиология" кафедраси катта
укитувчиси

Неъматова Н.Ў. – ТГА "эпидемиология" кафедраси ассистенти

Такризчилар:

Рустамова Х.Б. – ТГА "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни
ташқил этиш ва бошқариш" кафедраси муdiri, тиббиёт
доктори, профессор

Искандарова Г.Т. – ТВМОИ "эпидемиология" кафедраси профессори
тиббиёт фанлари доктори

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида куриб чиқилган ва
тавсия қилинган (2019 йил "27- Март" даги "8" -сонли
баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни бажаришга ўргатиб ва орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар билан уйғунлаштирилган ҳолда қўллашга имкон яратади. “Эпидемиология” фани ўқув режанинг умумкасбий фанлар блокига тааллуқли. “Эпидемиология” фанини тиббий-профилактикафакультети 3-4-5 курслари YI-YII-YIII ва IX-X семестрларида ўқитилади.

Эпидемиология фанини ўрганиш талабаларни умум гуманитар, тиббиёт, гигиена, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, философия, ҳарбий дисциплена, патологик анатомия, физиология, тиббий биология ва гистология каби, шунингдек клиник, гигиеник фанлар ҳамда ўқитиш учун фундамент хисобланган юқумли касалликлар, микробиология, вирусология ва иммунология фанларидан эгаллаган билим ва кўникмаларга асосланади

Ушбу дастурда “Эпидемиология” фанининг мазмуни, предмети, методи ҳамда моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари, санитария гигиена ва эпидемиологияда тиббий билимлар асосини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. У бошқа фанлар билан биргаликда аҳоли касалланишлари замонавий эпидемиологик хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш, шу билан бирга талабада эпидемиологик, мантиқий ва клиник фикр юритишни ривожланишини таъминлайди. Дастур “Эпидемиология” фанини чуқур ўрганиш тегишли соҳалар муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Эпидемиология фанини ўқитишдан мақсад - белгиланган вазифа бўйича функционал вазифаларни бажариш учун эпидемиология фанининг назарий ва амалий масалалари бўйича керак бўлган ҳажмда талабаларни ўқитиш белгиланган вазифа бўйича функционал вазифаларни бажариш учун эпидемиология фанининг назарий ва амалий масалалари бўйича керак бўлган ҳажмда талабаларни ўқитиш.

Фанининг вазифаси - эпидемиология фани бўйича замонавий илм-фан ва амалиётдаги ютуқларга таяниб ва ўқитишдаги энг прогрессив усуллардан фойдаланган ҳолда мутахассисларни назарий жиҳатдан тайёрлаш;

- юқумли ва паразитар касалликларга қарши ўтказиладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўргатиш;

- талабаларни аҳоли ўртасида, даволаш-профилактик муассасаларида ва эпидемик ўчоқларда юқумли касалликлар профилактикаси ва унга қарши кураш чора-тадбирларини ташкиллаштиришни ўргатиш;

- талабаларни эпидемик ҳолатни объектив баҳолашга асосланган эпидемиологик ва клиник фикрлашни шакллантиришдан иборат билимларни эгаллашларини таъминлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича амалий

фаолият кўникмаларига; турли хилдаги ҳарбий объектларни санитар текшириш бўйича баённома ва далолатномаларни тузишга ўргатиш
Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларга қуйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

- фаннинг мақсади ва вазифалари;
- талабаларга аҳоли орасида касалликларни олдини олиш юзасидан соғлом турмуш тарзини ўргатиш;
- эпидемиологик текширув усулларининг ўзига ҳос хусусиятларини, ушбу усулларнинг асосий бўлимлари ва уларнинг мақсади;
- касалликларга сабаб бўлувчи хавфли омиллар ҳақидаги фарқларнинг пайдо бўлиши ва фаразларнинг қанчалик ишончлилигини исботлаш усуллари;
- аҳолини юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш, махсус профилактика воситалари, уларни тайёрлаш, сақлаш ва эмлаш йўл-йўриқлари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**;
- касбий муаммо ва вазифаларни ечиш ёки ҳал қилиш учун эпидемиологик ёндошиш ва/ёки эпидемиологик текшириш натижаларини;
- асосий касалликлар эпидемиологияси, шунингдек касалликларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ва тўғри ёндошиш услубларини;
- инструктив ҳужжатларга мос равишда ва уларга риоя қилган ҳолда ҳамда эпидемиологик диагностика натижалари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни;
- юқумли касалликлар, болалар инфекцияларининг диспансеризацияси ва профилактикасини ўтказишни;
- профилактик чора тадбирлар комплекс режасини тузишни;
- касалликларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини олдини олиш мақсадида, соғлом ҳаёт тарзини ташвиқот (пропаганда) қилиш, аҳолининг тарбияси бўйича санитар оқартув ишларини ўтказишни;
- участка терапевти ва поликлиника юқумли касалликлар кабинетини асосий ҳужжатларини;
- инфекция манбаларини эрта аниқлаш ва зарарсизлантириш бўйича эпидемияга қарши чора тадбирлар схемасини тузиш ва ўтказишни;
- кўп тармоқли оилавий поликлиникаларда (КТОП) эпидемияга қарши тартибни (режимни) ташкиллаштиришни;
- эпидемик ўчоқда жорий дезинфекция ўтказишни ташкиллаштира олишни;
- КТОП марказлашган стерилизация бўлимининг иш тартибини;
- эмлаш картотекаси билан ишлаш, ф. 063/у бўйича вакцинация ва ревакцинация ўтказилишининг тўғрилигини таҳлил қилиш ва № 5, 6 ҳисобот шакллари;
- юқумли касалликлар эпидемиологик анамнезини тўплашни;
- юқумли касалликлар эпидемик ўчоқларида эпидемиологик текшириш ўтказиш ва юқумли касалликлар эпидемик авж олишларининг (эпидемические вспышки) таснифини ўтказишни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- инсектицидларнинг қўлланилиши;

- кемирувчиларга қарши курашда қўлланиладиган усулларни;
- профилактик чора- тадбирлар реъжасини ишлаб чиқишни;
- эпидемияга қаршичора- тадбирлар реъжасини ишлаб чиқишни;
- ўлатга қарши ҳимоя кийимни (костюмни) қўллашни;
- ўлатга қарши ҳимоя кийимни (костюмни) қўллашни;
- автомакс ёрдамида эпидемиологик ўчоққа ишлов беришни;
- хлораминнинг ишчи эритмасини тайёрлашни;
- жорий дезинфекция учун дезинфекцион эритмаларни тайёрлашни;
- бактериологик препаратларни совутиш занжирига риоя қилиш ва сақлаш тартибини;
- қорин тифи ўчоғида профилактика мақсадида бактериофаг қўлланилишини.
- вабо касаллиги ўчоғида эпидемияга қарши чора- тадбирлар реъжасини тузишни;
- карантин инфекцияга гумон қилинган бемор аниқланганда хабар бериш тартибини;
- одамларни ҳайвонлар тишлаганда ўчоқда эпидемиологик текширув олиб бориш ва ўчоқда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш юзасидан *амалий кўникмаларга эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-мавзу. Тиббий таълим тизимида ва замонавий тиббиёт фанлари орасида эпидемиологиянинг тутган ўрни.

Эпидемиологиянинг ривожланиш тарихи.

Эпидемиологиянинг таърифи, мақсади, тарихи ва асосий ривожланиш босқичлари. Эпидемиологиянинг фан сифатидаги тушунчаларининг эволюцияси. Турли тиббиёт фанлари таркибида ва соғлиқни сақлаш тизимида эпидемиологиянинг тутган ўрни. Эпидемиология ҳақидаги замонавий тушунчалар, унинг таркиби, предмети ва вазифалари. Эпидемиологиянинг умумий тиббиёт фани сифатида ва эпидемик жараён ҳақидаги фан сифатида шаклланиши. Эпидемиологиянинг мақсад ва вазифалари тушунчаларининг кенг қирралилиги. Эпидемиологиянинг умумий тиббиёт фани сифатида ва эпидемик жараён ҳақидаги фан сифатида профилактик дастурлар ишлаб чиқариш учун юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг аҳоли ўртасида келиб чиқиш сабабларини, шарт-шароитини ва шаклланиш механизмини ўрганувчи, яъни соғлиқни сақлашнинг профилактик йўналиши диагностик дисциплинаси.

2-мавзу. Эпидемик жараён тўғрисидаги таълимот. Эпидемик жараён кўринишлари ва уларнинг интерпретацияси.

Эпидемик жараённинг таърифи, тушунчаси ва унинг моҳияти. Инфекцион жараён ва юқумли касалликлар ҳақида тушунча. Эпидемик жараённинг узилмас занжирсимон узвий боғланган уч бўғинининг мавжудлиги: юқумли касаллик кўзгатувчисининг инфекция манбаи, ўтказиш механизми ва аҳолининг мойиллиги. Инфекция манбаи – эпидемик жараённинг ривожланишини ва узликсизлигини таъминлайдиган биринчи зарурий бўғин. Турли инфекцион касаллик шаклларида (типик ва атипик шакллар) одамнинг инфекция манбаи

сифатидаги роли. Турли инфекция манбаларининг потенциал ва реал хавфлилигини белгилайдиган омиллар. Эпидемик жараённинг ривожланишида беморлар ва турли категориядаги бактерия ташувчиларнинг инфекция манбаи сифатидаги роли. Хайвонларнинг инфекция манбаи сифатидаги аҳамияти. Факультатив паразитлар келтириб чиқарган касалликларда, ташқи муҳит объектларининг кўзгатувчилар учун резервуар вазифасини бажариши. Антропоноз, зооноз ва сапроноз касалликлар ҳақида тушунча.

3-мавзу.Эпидемиологик текширув усуллари тизими ва мазмуни, эпидемиологик ташҳисотнинг асосий тушунчалари.

Эпидемиологик маълумотлар йиғиш. Тасвирлаш босқичи. Касалланганларнинг сонини аниқлаш. Касалланиш динамикаси таҳлили. Ҳудудлар бўйича таҳлил. Касалланганлар таркибининг таҳлили ва хавfli гуруҳларни аниқлаш. Эҳтимол тутилган хавф омиллари тўғрисидаги фаразнинг шаклланиши. таҳлилий босқич. Расмий-мантқ услублари. Биостатистика услублари. Когорт текширишлар. Эпидемиологик текширишларда хатоларнинг манбалари ва уларни бартараф этиш йўллари. Ўчоқларни эпидемиологик текшириш усули.

4-мавзу.Ўчоқларни эпидемиологик текшириш усулининг ташхисий имкониятларига баҳо бериш

Ўчоқларни эпидемиологик текшириш 294/у шаклли эпидемиологик ўчоқни текшириш картаси билан олиб борилади.ДСЭНМ–аҳолининг эпидемияга қарши кураш тизимининг асосий бўлинмаларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг эпидемияга қарши кураш тизими горизонтал ҳамда вертикал фаолиятларига кўра иш куради. Тиббий ва нотиббий кучлар иш олиб боради. Эпидемияга қарши кураш воситалари тадбирларнинг эпидемиологик, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги.

5-мавзу.Эпидемияга қарши чора тадбирлар тизими, унинг сифати ва самарадорлиги тўғрисида таълимот. Эпидемиягақаршичора-тадбирларни ташкиллаштириш асослари.

Эпидемияга қарши чора тадбирлар ҳақида тушунча. ЭҚЧТнинг мақсад ва вазифалари. Инфекци манбаи йўналишида тадбирлар олиб борувчи гуруҳлар. Юқиш йўллари узун йўналиши учун тадбирлар олиб борувчи гуруҳлар. Мойил организм йўналиши учун тадбирлар олиб борувчи гуруҳлар. Диспозицион тадбирлар. Экспозицион тадбирлар. Эпидемик жараённинг учта звеносига қаратилган умимий тадбирлар: лабаратория текшируви ва санитар – оқартирув ишларнинг аҳамияти.

6-мавзу.Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация таърифи,турлари,ўтказиш усуллари. Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация. Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация ишларини юқимли касалликларнинг олдинидагиаҳамияти
Дезинфекция, дезинсекция, дератизация, стерилизация ишлари тўғрисида тушунча.Дезинфектология тарихи. Дезинфекцион чора-тадбирларнинг эпидемияга қарши курашишдаги ўрни ва аҳамияти. Дезинфекция, дезинсекция, дератизация хиллари ва усуллари. Дезинфекцияловчи моддалар сифатида ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг асосий гуруҳлари. Марказий

стерилизация бўлимлари ишлари тўғрисида тушунча. Шифохона ичи инфекциялари профилактикасида стерилизациянинг аҳамияти. Дезинфекцион станцияларини ташкилий таркиби ва вазифалари.

7-мавзу.Профилактик эмлаш ишларини моҳияти ва уни ташкиллаштира олишдаги аҳамияти ва уни ташкиллаштириш.

Актив ва пассив иммунизация. Бу воситаларни қўллаш учун кўрсатмалар Вакцина турлари: Тирик, жонсизлантирилган, кимиёвий ҳамда анатоксинлар Вакциналарни организмга юбориш усуллари: тери остига, мускул орасига , тери устига, тери ичига, оғиз орқали, интерназал яъни бурун орқали .

Гетероген зардоблар ва гаммаглабулинлар юбориш учун тери ичига синамалар кўйиш. Зардоблар ва иммуноглобулинлар. Антитоксик ва вирусларга қарши зардоб препаратлар ва уларнинг таркиби .Қоқшол, дифтерий, ботулизм, газли гангрена, стафилококк инфекцияларни профилактикаси ва даволаш учун анатоксик зардобларнинг (гаммаглабулин) ишлатилиши.

Қизамиқ, гриппа, гепатит, кутириш, канали энцефалит, лептоспироза, куйдирги инфекцияларининг тезкор профилактикаси ва даволаш учун вирусга қарши гаммаглабулинлар. Гомологик зардобларни гетерологик зардоблардан фарқи. Гетерологик зардоблар ва гаммаглабулинларнинг қўллаш усуллари.Пассив иммунизация потенциал самарадорлиги.

Маърузалар 7-семестр учун

1-мавзу.Ичак инфекцияларининг таснифи ва ўзига хос хусусиятлари. Ич терлама, паратиф А и В этиологияси, эпидемиологияси. Ич терламада ва бактерия ташувчиликда эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш, умумий овқатланиш корхоналарида ишловчиларга нисбатан ўтказиладиган чора –тадбирлар.

Ичак гуруҳи инфекцияларининг умумий ҳарактеристикаси. Ўтказиш механизми хусусиятлари. Эпидемик жараённинг намоён бўлиши. Ижтимоий ва табиий шароитларнинг эпидемик жараённинг ривожланишидаги аҳамияти. Касалликларнинг мавсумийлиги. Касалланишнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида кузатилиш хусусиятлари. Шифохона шароитида ичак гуруҳи инфекцияларининг эпидемиологик хусусиятлари. Профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирлар. Юқиш механизмини узишга қаратилган чора тадбирларнинг аҳамияти. Эпидемияга қарши йўналишдаги санитария-гигиеник чора тадбирлар. Энг кўп тарқалган касалликларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ), ич буруғ, сальмонеллезлар, тифопаратиф касалликлари (ТПК) ва бошқалар. Ичак гуруҳи инфекцияларида эпидемиологик назоратнинг асосий йўналишлари.

2-мавзу.Сальмонеллезлар эпидемиологияси,

профилактикаси.Сальмонеллезларда эпидемик жараённи намоён бўлиши Салмонеллаларнинг таснифи. Кўзгатувчилар сақланиб қолишида турли ҳайвонлар ва қушларнинг аҳамияти. Инфекциянинг юқиш йўллари ва юқиш механизми. Микроорганизмларни озиқ-овқат маҳсулотларида қулай шароитда

кўпайиши. Касалликларнинг ҳозирги замондаги кўрсаткичлар. Салмонеллезларда эпидемик назоратни олиб бориш.

3-мавзу. Вирусли гепатитлар таснифи. Гепатит А ва Е эпидемиологияси ва профилактикаси

Касаллик кўзғативчиларининг эпидемиологик ва этиологик тавсифи. Эпидемик жараён кўринишлари. Инфекция манбаи ва юқиш йуллари. Организмнинг зарарланиши, яширин даври ва клиник кўринишларининг турли хилда намоён бўлишининг эпидемиологик аҳамияти. Юқиш механизми ва юқиш омиллари. Гепатит А ва Е нинг асосий профилактикаси, эпидемиологик назоратни олиб бориш

4-мавзу. Полиомиелитнинг эпидемиологияси ва профилактикаси.

Эпидемик жараённинг ривожланиш механизми. Махсус профилактиканинг эпидемиологик хусусиятлари ва Эпидемиологик самарадорлиги. Этиология. Кўзғатувчининг тавсифи. Инфекция манбайи ва юқиш йўллари. Турли клиник кўринишларининг эпидемиологик аҳамияти. Эпидемияга қарши чора тадбирлар. Инфекция манбайига юқиш механизмга ҳамда беморлар билан мулоқатда бўлганларга нисбатан чора-тадбирлар.

5-мавзу. Вабонинг эпидемиологияси ва профилактикаси

Касалликнинг умумий тавсифи.

-Ташқи муҳир тасири ва хужайин организмга боғлиқ холда намоён бўлган кўзғатувчининг хусусияти.

-Классик вабо вибриони чакирувчи касалликнинг замонавий интерпретацияси.

- Эль-Тор ва НАГ-вибрионлари.

-кўзғатувчи гетерогенлигининг антигенлик тавсифи. возбудителя по антигенной характеристике.

-мойил аҳолининг ҳар—хиллиги .

-юқиш механизмнинг активлашиши ва кўзғатувчининг эпидемик штамларнинг фаоллашуви.

-вабони эпидемиологиясида сувомилининг таснифи.

-вабонинг бутунжаҳон эндемик ўчоғлари. Етти та пандемиясининг тарихи, саккизинчи пандемиясининг тавсифи.

- санитар-гигиеник тартибни чекловчи чоралар ва тезкор профилактиканинг потенциал самарадорлиги.

Ўзб. Рес. ССВ № 25. 25.01.2012 й. Сонли:” Ўзбекистон Республикасида вабо касалларида профилактик чора тадбирларни мукамаллаштириш” буйруғи билан танишиш.

Маърузалар 8-семестр учун

1-мавзу. Ноинфекцион эпидемиология тўғрисида тушунча. Юрак-қон томир касалликларининг, онкологик касалликлар эпидемиологияси ва профилактикаси.

Юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологиясининг предмет сифатидаги тушунчаси. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар орасидаги ўхшашлик ва фарқлари. Ҳозирги даврдаги юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологиясининг ривожланиш хусусиятлари. Эпидемиологик жараён

моделини юқумли бўлмаган касалликларда қўллаш эҳтимоллиги. Эпидемиологик текширув усуллари юқумли бўлмаган касалликларни ўрганишда қўллаш. Юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологиясининг келажакдаги истиқболи – клиник эпидемиология асослари. Онкологик касалликлар профилактикаси касалланиш кўрсаткичларини камайтириш орқали ўлим кўрсаткичини камайтиришга қаратилган

2-мавзу.Паразит касалликларининг эпидемиологияси ва профилактикаси. Безгакнинг эпидемиологияси, профилактикаси. Безгакнинг этиологияси, клиникаси, ташҳисоти, “Ўзбекистон Республикасида безгак касаллиги элиминациясининг миллий стратегияси”

Безгак иқтисодий ва ижтимоий жихатдан катта зарар бералиган протозойлар келтириб чиқарадиган юқумли касалликлар бўлиб,иситма, кам қонлик ва талокнинг катталашishi билан кечади.

Безгакнинг қуйидаги турларга бўлинади:

- 1.Plasmodium vivax-3кунлик безгак қўзғатувчиси
2. Plasmodium malariae-4кунлик безгак қўзғатувчиси
3. Plasmodium falciparum- тропик безгак қўзғатувчиси
4. Plasmodium ovali-3кунлик безгак қўзғатувчиси алоҳида турлари.

Инфекция манбага қарши 2 йўл билан таъсир қилинади:

- 1.Кимё профилактик йўл билан.
2. Касалликка қарши аҳолининг мойиллигининг камайтириш орқали.

3-мавзу.Лешманиёз касаллиги эпидемиологияси ва профилактикаси.

Лешманиёз касаллигида эпидемик жараённинг ривожланиш механизми.Этиология. Қўзғатувчининг тавсифи.Инфекция манбайи ва юқиш йўллари. Турли клиник кўринишларининг эпидемиологик аҳамияти.Эпидемияга қарши чора тадбирлар.Инфекция манбайига юқиш механизмига ҳамда беморлар билан мулоқатда бўлганларга нисбатан чора-тадбирлар.

4-мавзу.Эхинококк касалигининг эпидемиологияси ва профилактикаси.

Эпидемик жараённинг ривожланиш механизми.Махсус профилактиканинг эпидемиологик хусусиятлари ва Эпидемиологик самарадорлиги. Этиология. Қўзғатувчининг тавсифи.Инфекция манбайи ва юқиш йўллари.Турли клиник кўринишларининг эпидемиологик аҳамияти.Эпидемияга қарши чора тадбирлар.Инфекция манбайига юқиш механизмига ҳамда беморлар билан мулоқатда бўлганларга нисбатан чора-тадбирлар.

5-мавзу.Гелминтозларнинг таснифи.Гилмиентозлар ва биогельментозларнинг эпидемиологиси ва профилактикаси.

Геогельминтлар бутун дунё буйича кенг тарқалган, шунингдек, бизнингминтақамизда ҳам учраб туради. Шунинг учун соғлиқни сақлаш тизими олдидаги муҳим долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Гелминт касаллигини чақирувчи чувалчангсимон паразитлар оиласига мансубдир. Ҳозирги кунда кенг тарқалган гелминтларни 3 синфга бўлиш мумкин:

1. Думалоқ чувалчангла Нематодлар
2. Лентасимон чувалчанглар Цестодалар
3. Суриб ёпишувчи чувалчанглар Трематодлар

Бундан ташқари гельминтларни қуйидагича бўлинади:

1. Геогельминт

2. Биогельминт

Геогельминтларнинг яшаш шароити оралиқ хўжайинсиз. Буларга мисол: аскаридоз, трихоцефалез, энтеробиоз, анкилостомидоз ва б.

Биогельминтларнинг яшаш шароити оралиқ хўжайин билан бўлади.

Бунгамисол:

1.Суперинвазия – бирнечта гельминтларни бир вақтда организмда паразитлик қилиши

2.Реинвазия – бир маротаба касалликни бошидан ўтказган одамга гельминтни яна кириши.

Маърузалар 9-10 семестрлар учун

1-мавзу.Нафас йўли инфекцияларининг умумий эпидемиологик таснифи.

Грипп, УРВИ ва атипик пневмония эпидемиологияси ва профилактикаси.

Нафас йўллари касалликлари бактериал (дифтерия қоқшол, стрептококкли, менингококкли ва гемофил инфекцияли, туберкулёз) ва вирусли (ОРВИ, паротит, қизилча, қизамиқ ва инфекция мононуклеозларни) ўз ичига олади. Ҳаво йўллари орқали юқиши жуда осон тарзда бўлиб, шунинг учун бу инфекциялар кенг тарқалган. Бу касаллик билан асосан болалар касалланади. Грипп, асосан, ҳаво-томчи механизми билан тарқаладиган касаллик бўлиб, соғлом кишиларга касаллик ҳаво-томчи йўли билан юқади.

2-мавзу.Дифтерия эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

Дифтерия – ўткир юқумли бактериал инфекция бўлиб, нафас йўлининг юқори бўлимларида (бурун, оғиз-ютқун, ҳиқилдоқ) фибриноз яллиғланиш, кўпинча тўқималар шиши, шунингдек умумий интоксикация, аксарият юрак қон томирлар, асаб ва сийдик ажратиш тизимларининг шикастланишига олиб келади.

Беморлар пайдо бўлганда уларни алоҳидалаш ва шифохонага ётқизиш зарур. Ўчоқда жорий ва якуний дезинфекция ўтказилади.

Дифтерияга қарши кураш дифтерия анатоксини ёрдамида махсус профилактика ўтказишга асосланган, дифтерияга қарши иммунитет негизида экзотоксинни нейтралловчи антитоксин ҳосил қилиш ётади.

Ревакцинация қилишдан мақсад аста – секин сўниб бораётган иммунитетни қайтадан фаоллаштиришдир, бунинг учун ревакцинация зарур. Ревакцинация иммунитет самарадорлигини таъминлайди. Ҳозирги вақтда ассоциирланган АКДС вакцинаси ёрдамида эмланади. Эмлашлар Ўзбекистонда миллий эмлаш таквимига мувофиқ ўтказилади.

3.Қизамиқ,қизилча эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назоратини ташкиллаштириш.

Қизамиқ - ўткир юқумли касаллик бўлиб, умумий интоксикация, юқори нафас йўлларининг катарал яллиғланиши, танага папулёз - доғли тошмалар тошиши билан характерланади. Ҳозирги шароитда қизамиқ профилактикаси тирик

қизамиқ вакцинаси билан ўтказилади, вакцинация 95-97% турғун доимий иммунитет пайдо қилади, касалликнинг оғир шаклда кечишининг ва асоратларининг олдини олади. Эмлаш календари бир неча марта кўриб чиқилган бўлиб, ҳозирда вакцинация 12 ойликда ва ревакцинация 6 ёшда ўтказилади. Вакцина тери остига 0.5 мл дозада 1 марта юборилади. Болаларни эмлашга қамраб олиш камида 95%ни ташкил қилиши керак.

4-мавзу. Менингококкли инфекциялар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

Менингококкли инфекция - турли клиник шакллар билан кечадиган ва менингококклар (*Neisseria meningitidis*) чақирадиган юқумли касаллик. Инфекциянинг асосий шакли бактерия ташувчилик ҳисобланади. Касаллик юққан кишиларнинг бир қисмининг бурун-халқумида бактерияларнинг кўпайиши маҳаллий яллиғланишга олиб келади (назофарингит). Касаллик юққан кишиларнинг бошқа қисмида менингококкли инфекциянинг бутун организмга тарқалган шакллари кузатилади. Бунда кўзғатувчи ҳар хил аъзоларга қон орқали тушади. Кўпинча у марказий асаб тизимига тушиб мия пардаларини яллиғлантиради (менингококкли менингит) ва камроқ ҳолларда мия тўқимасини ишдан чиқаради (энцефалит). Кўпгина тўқималарнинг, жумладан, буйрак усти безларининг шикастланишлари билан ўтадиган умумий токсик шакллари ва қон айланиш тизимига менингококклар тушиб менингококкемияга олиб келади.

5-мавзу. Кўк йўтал эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

Кўк йўтал - ўткир антропоноз бактерияли инфекция бўлиб, хуружсимон спазматик йўтал ва юқори нафас йўллари катарал яллиғланиш билан кечади. Кўк йўтал бактериялари (*Bordetella pertussis*) чақирадиган, юқори нафас йўллари катарал яллиғланиши ва хуружсимон йўтал билан ўтадиган ўткир, антропоноз юқумли касалликдир. Кўзғатувчи – аероб, ҳаракатсиз, грамм манфий бактерия Бордетелла пертуссис, Суртмаларда тартибсиз, бир жойда йиғилган таёқчалар-овоид формалари. Ҳозирги шароитларда кўк йўтал профилактикаси фаол эмлаш билан таъминланади. Ўзбекистонда махсус профилактика асосида қўйилган кўк йўтал - дифтерия – қоқшол (АҚДС) вакцинаси билан амалга оширилади. Эмлашлар икки ойлик ёшдан бошланади, 1 ой оралиқ билан уч марта ўтказилади, шунингдек, 18 ойликда бир марта ревакцинация ўтказилади.

6-мавзу. Сил касаллиги эпидемиологияси ва профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

Ўпкадаги фаол сил жараёни ҳамини қўзғатувчи ажралиши билан ўтади. Ажралиб чиқадиган микобактериялар сони касалликнинг кечиш босқичи ва ўпка тўқимаси шикастланишининг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда кескин ўзгариб туради. Парчланиш босқичидаги фаол сил билан хасталанган беморлар энг хавфли инфекция манбаи ҳисобланади, уларнинг 1 мл балғамида 50000-100 000 тагача Кох бактериялари бўлиши мумкин. Сил микобактерияларининг кўп ёки кам ажралишига кўра сил касаллигини шартли равишда очик ва ёпиқ шаклларга бўлиш мумкин. Сил микобактерияларининг

кўплиги ва ажралиш давомлилиги аслини олганда беморнинг эпидемик хавфлилиги мезони ҳисобланади.

7-мавзу. Юқумли касалликлар ретроспектив эпидемиологик таҳлили. Оператив эпидемиологик таҳлили.

РЭТга таъриф. РЭТ схемаси. Аҳоли орасидаги касалланишларнинг кўп йиллик ва йиллик динамикаси таҳлили. Аҳолининг ижтимоий қатламлари ва ёшлари бўйича касалланиш даражаси, кўп йиллик ва йиллик динамикаси таҳлили. Алоҳида жамоалар орасидаги касалланишларнинг таҳлили. Эпидемиологик таҳлил қилишнинг қўшимча йўналишлари. РЭТ натижаларини баҳолаш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини асослаб бериш. РЭТ ўтказишда компьютер дастурларини қўллашнинг келажаги натижалари.

8-мавзу. Зооноз инфекциялар таснифи. Қутуриш, қораоқсоқ, куйдирги касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

Зооноз инфекцияларнинг эпидемик жараёни хусусиятлари. Инфекцион касалликлар билан касалланишлар таркибида зооноз инфекцияларининг тутган ўрни. Умумий таснифи. Этиологияси, патогенези ва клиник шакллари. Эпидемиологияси, эпизоотологияси, юқиш йўллари, касаллик манбаи, юктириш омиллари. Эпизоотик жараёни намоён бўлиши ва юқиш механизмини ривожланиши. Одамларга касалликнинг юқиш йўллари. Ўчоқни эпидемиологик текширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўчоқда профилактик ва эпидемияга қарши чора -тадбирлар. Махсус профилактика. Санитария-гигиеник ва ветеринария-санитар тадбирлар. Қутуриш (гидрофобия) – вирусли ўткир юқумли касаллик бўлиб, зооноз касалликлар гуруҳига қиради, одамга қутуриш билан касалланган хайвонлар (асосан итлар) томонидан тишланганда, жароҳатланганда ёки жароҳат жойи сўлатилганда юқиши мумкин. Касаллик марказий нерв системасининг зарарланиши, ҳаракат марказларининг кўзғалиши, нафас олиш ва халқум мушаклари томирларининг тортиши, фалажлик каби асоратлар билан кечада ва доимо ўлим билан фожиали тугайди. Умумий таснифи. Этиологияси, патогенези ва клиник шакллари. Эпидемиологияси, эпизоотологияси, юқиш йўллари, касаллик манбаи, юктириш омиллари. Эпизоотик жараёни намоён бўлиши ва юқиш механизмини ривожланиши. Одамларга касалликнинг юқиш йўллари. Ўчоқни эпидемиологик текширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўчоқда профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирлар. Махсус профилактика. Санитария-гигиеник ва ветеринария-санитар тадбирлар

9-мавзу. Ўлат касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати.

Карантин ва ўта хавfli инфекциялар (ЎХИ) тушунчаси таърифи. Карантин ва ўта хавfli инфекциялар тўғрисидаги замонавий тасавур. Карантин ва ўта хавfli инфекцияларнинг чет давлатлардан олиб келиниши йўллари. Вабо, ўлат ва бошқа карантин ва ЎХИнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Вабонинг еттинчи пандемияси эпидемиологиясининг ўтган биринчи олтита пандимияларга нисбатан қиёсий хусусиятлари. Карантин ва ЎХИлар бўйича профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкиллаштириш

принциплари. Халқаро тиббий-санитар қоидалар. Фавқулотда эпидемик вазиятлар таърифи тушунчаси ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари. Экстремал шароитларда тарқалган юқумли касалликларнинг эпидемиологик ҳарактеристикаси. Экстремал шароитларда шошилиш тиббий ёрам кўрсатишни ташкиллаштиришнинг асосий принциплари. Фавқулотда эпидемик вазиятларда профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкиллаштириш асослари. Фавқулотда экстремал эпидемик вазиятларда ўтказиладиган биринчи навбатдаги ҳаракатлар ва юқумли касалликлар эпидемик авж олишлари келиб чиққанда эҳтиёткорлик чора тадбирлари.

10-мавзу. Нозокомиал инфекциялар эпидемиологияси. Жарроҳлик бўлимида учрайдиган касалхона ичи инфекциялари эпидемиологияси.

Госпитал инфекциялар таърифи. Касалхона ичи инфекциясида (КИИ) инфекция манбаининг асосий тоифалари беморлар (гоҳида – беморларни парвариш қилувчилар, улардан хабар олувчилар), ташқи муҳит объектлари ва тиббий ходимлардир. Шунинг айтиб ўтиш керакки, госпитал эпидемиологияда, ташқи муҳитга нисбатан “инфекция манбаи” тушунчаси, умумий эпидемиологиядаги сапронозларга қўлланиладиган тушунчага нисбатан кенгроқ маънода талқин қилинади. Масалан, КИИ юқиши флакондаги вена ичига юбориладиган эритмада ёки ўпкани сунъий вентиляция қилувчи аппаратининг намлагичида кўк йиринг таёқчаси ривожланиши билан боғлиқ бўлса, ушбу объектларга нафақат юқиш омили, балки инфекция манбаи сифатида ҳам қаралади. Даволаш профилактика муассасаларида инфекция билан курашиш, беморлар ва тиббиёт ходимлари соғлиқларини сақлашнинг асосий таркибий қисми сифатидаги роли. Инфекциянинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти. Госпитал шароитларда эпидемик жараён ривожланишининг хусусиятлари. Касалхона ичи инфекцияси манбаи, тарқалиш йўллари ва омиллари. Госпитал инфекциялар этиологик ва эпидемиологик классификацияси. Касалхона ичи инфекцияси кўзғатувчиларининг госпитал штаммини шаклланиши. Парентерал механизм билан юқадиган инфекциялар (В, С, D вирусли гепатитлар; ВИЧ-инфекцияси, цитомегаловиру С, герпетик инфекциялар, захм ва бошқалар). Госпитал инфекцияларда ўтказиладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирлар. “Инфекцион назорат” тушунчаси. Унинг касалхона ичи инфекцияси профилактикасидаги аҳамияти.

Маъруза машғулотлар мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш асосида амалга оширилади.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Фан бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

6- семестр учун

1. Эпидемиология фани барча паталогик жараёнларнинг ўрганувчи фан сифатидаги аҳамиятини ўргатиш
2. Эпидемиологик жараён тўғрисидаги таълимот. Эпидемиологик жараён ривожланиш механизмини ўргатиш.
3. Эпидемик жараён кўринишлари ва уларнинг интерпретацияси.
4. Эпидемиологик текширув усуллари тизими ва мазмуни, эпидемиологик ташхисотнинг асосий тушунчалари. Аналитик ва эпидемиологик тажриба усуллари ўргатиш.
5. Юқумли касалликларнинг юқиш механизми ва табиий ўчоқлилик назарияларини ўргатиш.
6. Фавқулотда вазиятларда аҳоли орасида эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштириш. Ўчоқларни эпидемиологик текширишни ўргатиш.
7. Дезинфекция Аҳоли орасида дезинфекция хизматини ташкиллаштириш. Дезинфекция бўлимининг структураси ва иш фаолияти, дезинфекция босқичлари. Санитар тозалаш ишлари. *Камерали дезинфекция усуллари* ўргатиш.
8. Дез станциялар иш фаолияти билан танишиш. Камерали дезинфекция Дератизация, дезинсекция. ДПМ ларда стерилизация ишларнинг сифати ва самарадорлиги устидан назорат қилиш. *МСБ иши билан танишиш.*
9. Соғлиқни сақлаш тизимининг бошланғич бўғинларида (бирламчи звено) эмлаш ишларининг сифати ва самарадорлигининг текшириш.
10. Паразитар тизимнинг ўз-ўзини бошқариш назарияси.
11. Юқумли касалликлар таснифи ва кўзгатувчиларнинг эволюцион тараққиёти.
12. Ҳайвонлар ва касаллик чақирувчи кўзгатувчиларни тарқатувчи бўғимоёқчиларнинг эпидемиологик аҳамияти. (чивинлар, майда хашоратлар гуруҳи, битлар, бургалар ва каналар) Табиий ўчоқли касалликларнинг эпидемиологик аҳамиятини ўргатиш.
13. Эпидемияга қарши чора-тадбирлар тизими. Даволаш-диагностик, алоҳидалаш ва тартибли чеклаш чораларининг мазмуни ўргатиш.

Амалий машғулотлар 7-семестр

1. Ичак инфекцияларининг таснифи ва ўзига хос хусусиятларини ўргатиш.
2. Ичак инфекциялари бўйича буйруқлар билан танишиш.
3. Ич терламанинг эпидемиологияси
4. Паратиф А ва В касаллигининг эпидемиологияси
5. Ич терлама, паратиф А ва В касаллигининг профилактикаси
6. Сальмонеллезлар таснифи. профилактикаси. Сальмонеллезларда эпидемик жараённи намоён бўлишини ўргатиш.
7. Сальмонеллезлар эпидемиологияси, профилактикаси
8. Шигеллёларнинг эпидемиологияси, профилактикаси.
9. Шигеллёларда эпидемик жараённи намоён бўлиши.
10. Эшерихиозларнинг эпидемиологияси, профилактикаси.

11. Энтеровирус инфекцияларининг эпидемиологияси ва профилактикаси.
12. Вирусли гепатитлар таснифи. Гепатит А ва Е эпидемиологияси ва профилактикаси ўргатиш.
13. Гепатит В, Д эпидемиологияси ва профилактикаси.
14. Гепатит В, С эпидемиологияси ва профилактикаси.
15. Гепатит Д эпидемиологияси ва профилактикаси.
16. Полиомиелитнинг эпидемиологияси ва профилактикаси.
17. Вабонинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Вабо касаллиги ўчоғида эпидемияга қарши тадбирларни ташкиллаштиришни ўргатиш.
18. Вабо бемори аниқланганда участка шифокорининг вазифаларини ўргатиш.
19. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар профилактика марказида эпидемияга қарши чора-тадбирлар режасини ўргатиш.
20. Ичак иерсиниозларни эпидемиологияси ва профилактикаси
21. Вактериологик лабораториянинг иш режими билан танишиш ва ўрганиш.

Амалий машғулотлар 9-семестр учун

1. Грипп, ОРВИ ва Атипик пневмония эпидемиологияси ва профилактикаси.
2. Дифтерия касаллиги эпидемиологияси, профилактикасини ўргатиш.
3. Кўкйўтал эпидемиологияси, профилактикаси
4. Қизамиқ эпидемиологияси, профилактикаси
5. Менингококкли инфекциялар эпидемиологияси, профилактикаси
6. Эпидемик паротит, эпидемиологияси, профилактикаси
7. Қизилча эпидемиологияси, профилактикаси
8. Касалхона ичи инфекциялари эпидемиологияси ва профилактикасини ўргатиш.
9. Стрептококкозлар эпидемиологияси ва профилактикаси
10. Силнинг эпидемиологияси ва профилактикаси
11. Қутуриш касаллигида эпидемиологияси ва профилактикасини ўргатиш.
12. Қораоқсоқ эпидемиологияси ва профилактикаси
13. Куйдирги эпидемиологияси ва профилактикаси
14. Ку - иситмасида эпидемиологияси ва профилактикаси
15. Тошмали тиф ва Брилл касаллиги эпидемиологияси ва профилактикаси
16. Ўлат эпидемиологияси ва профилактикаси
17. Геморрагик иситма эпидемиологияси ва профилактикаси
18. Канали қайталама терламанинг этиология, ташхисоти, эпидемиологияси, эпидемияга қарши кураш ва олдини олиш чора-тадбирлари
19. Юқумли касалликлар кабинетида амалий иш олиб боришни ўргатиш.
20. ОИВ/ОИТС инфекцияларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси
21. Ич терламада ва бактерия ташувчиликда эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш, умумий овқатланиш корхоналарида ишловчиларга нисбатан ўтказиладиган чора –тадбирлар режасини ўргатиш.
22. Ижтимоий муҳим, жинсий йул орқали юқувчи юқумли касалликларнинг эпидемиологияси ва профилактикасини ўргатиш.

23. Захм (сифилис) эпидемиологияси ва профилактикаси.
24. Сўзак эпидемиологияси ва профилактикаси
25. Урогенитал хламидиоз эпидемиологияси ва профилактикаси
26. Қўтир эпидемиологияси ва профилактикаси
27. Арбовирусли инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси
28. Япон энцефалити эпидемиологияси ва профилактикаси
29. Фарбий Нил иситмаси эпидемиологияси ва профилактикаси
30. Канали энцефалит эпидемиологияси ва профилактикаси
31. Қрим геморрагик иситмаси эпидемиологияси ва профилактикаси
32. Буйрак синдромли геморрагик иситма эпидемиологияси ва профилактикаси
33. Туляремия эпидемиологияси ва профилактикаси
34. Кампилобактериоз эпидемиологияси ва профилактикаси
35. Туляремия эпидемиологияси ва профилактикаси
36. Лептоспироз эпидемиологияси ва профилактикаси

Амалий машғулотлар 10-семестр учун

1. Туман ДСЭНМ нинг эпидемиология бўлими структураси, штатлари, иш фаолиятини ташкиллаштириш принципи ва аҳоли орасида эпидемияга қарши тизим билан таништиришни ўргатиш.
2. ДСЭНМ эпидемиология бўлимининг аналитик иш фаолияти ва амалий иш бажаришни ўргатиш.
3. Республика ОИТС маркази эпидемияга қарши хизмати иши билан танишиш ва ўрганиш.
4. Ўткир ичак инфекцияларида эпидемиологик назоратни ташкиллаштиришни ўргатиш.
5. Ичак инфекцияларининг эпидемиологияси ва эпидемиологик назоратини ташкиллаштиришни ўргатиш.
6. Вабо касаллиги ўчоғида эпидемияга қарши тадбирларни ташкиллаштириш. Вабо бемори аниқланганда участка шифокорининг вазифаларини ўргатиш.
7. Вабода эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш.
8. Полиомиелит касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштиришни ўргатиш.
9. Аэрозол инфекциялар устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ўргатиш.
10. Дифтерия касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг мазмунини ўргатиш.
11. Қизамиқ касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг мазмуни ўргатиш.
12. Қизилча касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг мазмуни ўргатиш.
13. Кўкйўтал касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг мазмуни ўргатиш.
14. Скарлатина касаллиги ўчоқларида эпидемиологик текшириш ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ўргатиш.

15. Менингокок касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назоратини ўргатиш.
16. Грипп касаллиги устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг мазмуни ўргатиш.
17. Эпидемик паротитда эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва уни ўтказиш.
18. Варицелла зостер вируси чакирадиган инфекция (сув чечак ва темиртки)
19. Сил касаллигининг ўпка, тери шакллари устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг мазмунини ўргатиш.
20. Сил касаллигининг ошқозон-ичак тракти ва суяк шакллари устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва унинг мазмуни.
21. Мохов касаллигида эпидемиологик назорат.
22. Касалхона инфекцияларининг умумий тавсифи.
23. Хирургия соҳаси инфекциялари
24. Қонайланиш тизими инфекциялари
25. Нозокомиал пневмониялар.
26. Касалхона ичи салъмонелёзлари
27. Касалхона ичи колиэнтеритлари.
28. Сийдик чиқариш йўллари инфекциялари
29. Юқумли касалликлар шифохоналарининг эпидемияга қарши иш тартиби.
30. Юқумли касалликлар устидан эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ўргатиш.
31. Эпидемиологик назорат мақсади ва вазифалари
32. Юқумли касалликлар Рэтроспектив эпидемиологик таҳлилни(РЭТ)ўргатиш.
33. Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлили.
34. Касалланишнинг йиллик динамикаси таҳлили.
35. Аҳоли касалланишининг эпидемиологик белгиларга кўра таҳлили
36. РЭТ асосида эпидемияга қарши ва профилактик чора тадбирларни режалаштиришни ўргатиш.
37. Юқумли касалликлар оператив эпидемиологик таҳлилини (ОЭТ) ўргатиш.
38. Зооноз инфекциялари умумий таснифи.Уларга қарши чора –тадбирларни ўргатиш.
39. Қутуриш эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати
40. Бруцеллез эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати
41. Куйдирги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати
42. Ку иситмаси эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати
43. Тошмали тиф, Брилл касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назорати
44. Педикулёз ва реккетсиозларга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш.

45. Карантин ва ўта хавфли касалликлар профилактикаси маркази эпидемияга қарши курашиш ишини ўргатиш.

46. Ўлат касаллиги эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назоратини ўргатиш.

47. Гемморагик иситмалар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назоратини ўргатиш.

48. Лейшманиозлар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемиологик назоратини ўргатиш.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

-Амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;

-Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

-Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

-Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

Амалий машғулот давомида аниқ бир мавзуларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, услубий жиҳатдан долзарб бўлган мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, алоҳида муоммолар бўйича илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш мақсадида савол-жавоб, суҳбат, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, ёзма назорат ишларини олиш, вазиятли масалаларни муҳокама қилиш ва тест саволларига жавоб бериш орқали эгалланилади. Шу билан бирга машғулот давомида интерфаол усуллардан ва компьютер, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда назарий билимларни мустаҳкамлаш лозим.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;

- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Эпидемиология фани бўйича амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1.Инсектицидларнинг қўлланилиши.

2.Кемирувчиларга қарши курашда қўлланиладиган усуллар.

3.Профилактик чора- тадбирлар реъжасини ишлаб чиқиш.

4.Эпидемияга қаршичора- тадбирлар реъжасини ишлаб чиқиш.

5.Ўлатга қарши ҳимоя кийимни (костюмни) қўллаш.

6. Ўлатга қарши ҳимоя кийимни (костюмни) қўллаш.

7. Автомакс ёрдамида эпидемиологик ўчоққа ишлов бериш.

8.Хлораминнинг ишчи эритмасини тайёрлаш.

9. Жорий дезинфекция учун дезинфекцион эритмаларни тайёрлаш.
10. Бактериологик препаратларни совутиш занжирига риоя қилиш ва сақлаш тартиби.
11. Қорин тифи ўчоғида профилактика мақсадида бактериофаг қўлланилиши.
12. Вабо касаллиги ўчоғида эпидемияга қарши чора-тадбирлар реъжасини тузиш.
13. Карантин инфекцияга гумон қилинган бемор аниқланганда хабар бериш тартиби.
14. Одамларни ҳайвонлар тишлаганда ўчоқда эпидемиологик текширув олиб бориш ва ўчоқда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш.

Ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Талабаларнинг “Эпидемиология” фани бўйича амалиёти таълим жараёнининг 50%ни ташкил қилади ва амалий машғулотлар “Умумий ва хусусий эпидемиология” бўлимида Республика туман ДСЭНМларнинг эпидемиология бўлимларида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабар таништирилади.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма қадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намойиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, талабалар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кегин умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг амалиётга қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намойиш этилиши, критик муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намойён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва

ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм дарсигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалар ва тестлар тўплами, кейслар, протоколлар, ўргатувчи юқумли касалликлар карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўлла олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, юқумли касаллик картасини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақилтаълим учун тавсия этиладиган мавзулари:

1. Эпидемиологиянинг тарихи ва ривожланиш босқичлари.
2. Ҳозирги замон эпидемиология фанининг долзарб муаммолари.
3. Эпидемиология фанининг назарияларини шаклланишида қадимги ва замондош олимларнинг қўшган ҳиссалари.
4. Эпидемиологик назариялар ва концепциялар.
5. Эпидемиологик текшириш ва ташҳис усуллари.
6. Касалликларнинг эпидемиологик таҳлили.
7. Эпидемиологик назорат ва унинг замонавий йўналишлари.
8. Инфекциянинг кўпқиррали кўринишлари шакллари белгилайдиган омиллар.

9. Аҳолининг соғлиғини сақлаш тизимида Ўзбекистон Республикасининг қўллаган замонавий сиёсати.
10. Юқумли касалликларнинг экологик ҳарактеристикаси.
11. Эпидемик жараёнҳақидаги таълимот асослари. Эпидемик жараённинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш қонуниятлари.
12. Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизматини ташкиллаштириш хусусиятлари. Санитария-эпидемиология хизмати асосига қўйилган асосий принциплар.
13. Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизациянинг юқумли касалликлар профилактикасида тутган ўрни. Стерилизация, дезинфекция ва бошқа омиллар, ва уларнинг шифокорлик фаолиятида қўлланилиши.
14. Аҳоли саломатлиғини таъминлашда иммун тизими ҳолатининг аҳамияти. Аҳолининг иммунологик ҳолати, унинг табиий ва сунъий ҳосил қилиш йўллари. Аҳолини актив ва пассив иммунизациясини ташкиллаштириш.
15. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти тамонидан қўлланилаётган иммунизациянинг кенгайтирилган дастури. Иммунопрофилактиканинг юридик аспектлари. Ўзбекистон Республикасининг эмлаш бўйича асосий қонуншунослик низомлари.
16. Даволаш профилактик муассасаларнинг эмлаш ишларини бажарадиган муассаса сифатидаги роли ва аҳамияти.
17. Вирусли инфекцияларда вакцинациянинг ҳолати.
18. Ичак инфекцияси – ЎЗР ўлка патологияси. Ичак гуруҳи инфекциялари эпидемиологик назоратининг асосий йўналишлари.
19. Ичак инфекциялари эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий хусусиятлари.
20. Вирусли гепатитлар эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий хусусиятлари. Вирусли гепатит профилактикасида иммунопрофилактиканинг аҳамияти.
21. Дунё бўйича жинсий йўл орқали юқадиган касалликларнинг эпидемиологик тарқалганлиги. Дунё миқёсида ОИТВ/ОИТС билан аҳолининг касалланишини замонавий ҳолати. ОИТВ/ОИТС инфекциясининг дунё миқёсида тарқалганлиги ва унинг профилактикаси ҳолати.
22. Грипп, гепатит ва ОИТВ/ОИТС – XXI аср муаммолари. ОИТВ/ОИТС инфекцияси профилактикаси ва у билан курашиш муаммолари.
23. Нафас йўли инфекциялари эпидемиологияси ва профилактикасининг долзарб муаммолари. Нафас йўли гуруҳи инфекциялари билан курашишда иммунопрофилактиканинг тутган ўрни ва аҳамияти.
24. Касалхона ичи инфекцияси эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий хусусиятлари. Даволаш профилактик муассасаларида (ДПМ) инфекцион касалликлар билан курашиш, беморлар ва тиббиёт ходимлари саломатлиғини сақлашнинг асосий қисмидир.
25. ДПМда йирингли септик инфекциялар тарқатишда тиббиёт ходимларининг роли. Тиббиёт ходимлари ўртасида касалхона ичи зарарланишларининг профилактикаси.

26. “Инфекцион назорат”нинг юқумли касалликлар профилактикасидаги аҳамияти.
27. Карантин ва ўта хавфли инфекцияларининг (ЎХИ) замонавий эпидемиологик хусусиятлари. Дунё миқёсида карантин ва ЎХИнинг эпидемиологик тарқалганлиги.
28. Трансмиссив ва вирусли инфекцияларнинг дунё бўйича ва Ўзбекистон ҳудудида тарқалганлигининг замонавий хусусиятлари.
29. Карантин ва ЎХИлар билан курашишнинг замонавий принциплари.
30. Юқумли касалликларни олиб кириш ва тарқатиб юборишни олдини олишга қаратилган халқаро тизим.
31. Карантин ва ЎХИлар профилактикаси ва эпидемияга қарши чора тадбирлар ўтказишни ташкил қилишнинг замонавий принциплари Карантин ва ЎХИлар эпидемиологик назорати хусусиятлари. Карантин ва ЎХИлар бўйича чора тадбирлар комплекс режаси.
32. Фавқулотда эпидемик вазиятлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган эпидемик оқибатлар. Экстремал ҳолатларда эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказишни ташкиллаштиришнинг хусусиятлари. Инструктив-методик ҳужжатлар ва катастрофалар тиббиётидаги янгиликлар.
33. Паразитар касалликларнинг эпидемиологик хarakterистикаси: безгак ва гельминтозлар. Дунё бўйича ва Ўзбекистанда паразитар касалликлар тарқалишининг замонавий хусусиятлари. Безгак касаллигининг эндемик ўчоқлари классификацияси ва унда ўтказиладиган тадбирларнинг хусусиятлари.
34. Айрим инфекция ва паразитар касалликларни тугатиш ва камайтириш бўйича ЖССТ ва Ўзбекистон Республикаси профилактик фаолиятининг замонавий йўналишлари.
35. Паразитар касалликлар эпидемиологик назорати хусусиятлари. Паразитар касалликларнинг профилактикаси ва терапевтик имкониятлари.

Фан бўйича мустақил иш аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жихатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш
- Айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- Фаннинг мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- Вазиятли масалалар ечиш;
- График органайзерларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

Фан бўйича курс иши (лойихаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Миртазаев О.М., Зуева Л.П., Матназарова Г.С. Эпидемиология. Дарслик. – Тошкент. “Ишонч МЧЖ” 2016й.
2. Миртазаев О.М. ва бошқа ҳаммуалифлар. Эпидемиологиядан амалий машғулотлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент. “Адабиёт учқунлари”. 2015 й.
3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Вакциналар ёрдамида бошқарилувчи юқумли касалликлар ва иммунизация” дастури бўйича тиббиёт ходимлари ва педагоглар учун қўлланмаси. – Тошкент.” РИО ТМА” 2018 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. Эпидемиология. Учебник. - Санкт-Петербург. “Фолиант”. 2006 г.
2. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни. - Тошкент: 26.08. 2015й.
3. Ўзбекистон Республикаси СанМ ва Қ. №0239-07, 06.01.2015й.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 27.01.2015 йилдаги “Бошқарилувчи юқумли касалликлар иммуно профилактикасини ташкил қилиш тўғрисида”ги 36-сонли буйруғи.

Интернет сайтлари:

1. www.minzdrav.uz;
2. www.tma.uz
3. [www. Ziyonet](http://www.Ziyonet);
4. www.epid.uz;
5. www.epidem.uz;
6. <https://www.iaea.org/> (International Atomic energ. Agen.)

